

Куттубхон ШОКИРОВ

Туркистон ғурури

«Тарих ҳақида қоғоз қоралаганда илм одо- бига кўра, бир оғиз ортиқча сўз ҳам қўшмас- лик ёки камайтирмаслик фарз», деган эди Алихонтўра Соғунининг ўзи. Шубҳасиз, улуғ маърифатпарвар ва сиёсий арбобнинг ушбу сўзлари унинг фаолияти ҳақида сўз юритганда дастуруламал сифатида хизмат қилади.

Келгуси сонларда ўқинг

Бахтиёр МЕНШИНЕВ

Адабий тилнинг ғайриилмий қоидалари

Келгуси сонларда ўқинг

Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2018 йил 19 апрель • пайшанба • № 46 (4019)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 апрель кунни мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган Корея Республикаси ташқи ишлар вазири Кан Гён Хва хонимни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий кутиб олди. Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ришталари мустақамлашиб, стратегик шериклик муносабатлари изчил ривожланиётганини чуқур мамнуният билан таъкидлади.

Сухбатда 2017 йил ноябрь ойида Жанубий Кореяга олий даражадаги тарихий ташриф ҳамда унинг якунида эришилган муҳим келишувлар Ўзбекистон — Жанубий Корея ўзаро манфаатли ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва аниқ амалий мазмун билан бойитишга хизмат қилгани алоҳида қайд этилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо кўрсаткичлари изчил ўсиб бормоқда. Жанубий Корея Ўзбекистон иқтисодига киритган инвестициялар ҳажми 7 миллиард доллардан ошди. «Поско-ДЭУ», «ДжэЭС», «Эвергрин», «Янгуан» ва бошқа кўплаб компаниялар билан биргаликда қиймати 5 миллиард доллардан ортиқ янги инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.

Жорий йилнинг февраль ойида Тошкентда янги форматда савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича биринчи қўшма ҳукуматлар учрашув муваффақиятли ўтказилди.

Соғлиқни сақлаш, мактабга таълим, шаҳар бошқаруви, энергетика, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ва иқтисодий соҳани ривожлантиришда Жанубий Кореянинг инновацион таълим, илмий ютуқлари ва технологияларидан фойдаланишга қаратилган қўшма дастурлар фойдаланишга бошланди.

Корея Республикасининг етакчи мутахассислари мамлакатимиз вазириликлари, идора ва ҳокимликлари томонидан маслаҳатчи сифатида жалб этилмоқда. Туризм, таълим ва туризм соҳаларида алмашинулар кенгаймоқда.

Учрашувда давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлигини янада мустақамлаш истиқ- боллари ҳамда халқаро ва минтақавий сўбатнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин томонидан Корея ариморали ва бутун минтақада тинчлик ва ҳавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган сиёсатни тўлиқ қўллаб-қувватлаши таъкидланди.

Президентимиз режалаштирилган олий даражадаги учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда муҳим аҳамият касб этиши ва янги истиқболли келишувларга эришишни таъминлашга ишонч билдирди.

Ташқи ишлар вазири Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг саломини ва эзгу тиллашларини етказди.

Меҳмон Жанубий Корея Республикаси Президенти ташаббуси билан жорий йил март ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Афғонистон бўйича халқаро конференция якунларини юксак баҳолашини, ушбу ажжуман, шубҳасиз, минтақада барқарорлик ва ҳавфсизлигини таъминлашга муҳим ҳисса бўлиб қўшилишини таъкидлади.

Вазир Ўзбекистон Президентига Жанубий Корея фуқаролари учун визасиз тартиб жорий этиш тўғрисида қабул қилинган қарор учун самимий миннатдорлик билдирди, бу сайёҳлар оқимида салмоқли даражада ошириш ва ишбилармонлик алоқаларини кенгайтиришга хизмат қилаётганини қайд этди.

Учрашув сўнггида Кан Гён Хва Жанубий Корея иқтидорига стратегик шериклик муносабатлари ва кен қўламли ҳамкорлигини янада мустақамлашга тайёр эканини таъкидлади.

ЎЗА

Мардлик, бурч ва садоқат



УРУШ КЎРГАН НИГОҲЛАР

Уруш кўрган нигоҳларни қузатганимиз? Бугунги замондан шукроналик нафаси балқиб турса-да, беомон урушнинг қақшатқич оловлари, қаттиқ жароҳатдан жон талвасасида юракларни ларзага солиб ҳайқираётган қанчадан-қанча оҳ-воҳлар, нола-ю фиғонлар мангуға муҳрланиб қолган бу сўлгин кўзларда... Ҳа, биз, бугунги авлод ҳар қанча уринмайлик, уруш кўрган қалблардан ўтаётган кечинмаларни асло тасаввур қила олмаймиз...

Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида яшовчи уруш ва меҳнат фахрийси Мажид бобо Хидиров ҳам навқирон йигитлик чоғининг беш йиллини жангтоҳларда ўтказди. Лекин унинг оташ қалбидан бир учқун муқом порлаб турди. Бу учқун — Ватан соғинчи, яқинларнинг меҳри, ота-онасининг умидлари эди. Мана шу эзгу туйғулар уни уруш оловидан омон сақлади. Ўз нортига ёруғ юз билан қайтди.

Урушдан кейинги йилларда халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида сидқидилдан меҳнат қилган Ма-

жид бобо бир кам 100 ёшда. Ҳали бардам, тетик. Ҳар тонг томорқадаги боғни айланиб, тоза ҳавода сайр қилади. 11 нафар фарзандни тарбиялаб, элга қўшган бобо 56 нафар набира, 108 нафар чевара ва эвара ардоғида. Улар жам бўлса, ҳовлига сизмайди, гўё кимдир тўй берипти, дейсиз.

— Насиб экан, кексалари эъозда, ёшлари иззада бўлган мана шундай тинч-осойишта замонарларни ҳам кўрдим. Энди армоним қолмади, — дейди Мажид бобо Хидиров кўзларига ёш қалқиб. — Қанча сувар оқиб кетди. Танвондаги жароҳатлар битди, аммо қалб жароҳатига даво йўқ экан. Номини ўчсин урушнинг. Бу мусибат тоғни талқон қиладиган қанча-қанча забарласт йигитларнинг бошини еди. Аллоҳ ўша кунларнинг юзини тескари юлсин... Юртимизга кўз тегмасин. Қунда бир ўзгартиш, янгилик. Ёшларнинг ютуқларини эшитганимизда, набираларимнинг бегубор кулгусини кўрганимизда ичима сизмай кетаман. Жангтоҳларда кечган умрим беҳуда кетмаганига қувонаман. Тумани ҳокимлиги, маҳалладан вақиллар келиб, ҳолимизни сўраб турибди. Қунини кеча Президентимизнинг биз — уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисидаги фармони қабул қилинганини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Бундай эзгу ишлар бошида турган, кексаларни эъозлаган давлатимиз раҳбаридан миннатдорман.

ЎЗА

КУН НАФАСИ

«Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)ги қонун қабул қилинди.

Мазкур ўзгартиришлар Конституцияга давлат ҳокимиятининг учта субъекти: давлат бошлиғи — Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш, шунингдек, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини қучайтиришга қаратилган.

«Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Унга мувофиқ одам савдоси — қуч билан таҳдид қилиш ёки қуч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларида фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилишдир.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 17 апрель кунини иқтисодиёт тармоқларида ҳисоб-китоб тизимини тақомиллаштириш, дебитор, кредитор ва бюджет олдидаги қарздорликларни камайитиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар таҳлилига бағишланган йилги йўналиш ўтказилди.

Йилги йўналишда давлатимиз раҳбари Бош вазир ўринбосарлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига иқтисодиёт тармоқларида ҳисоб-китоблар тизимини тақомиллаштириш, дебитор, кредитор ва бюджет олдидаги қарздорликларни қисқартириш, туман, вилоят ва республика даражасида солиқ органлари, банклар, хизмат кўрсатувчи ва бошқа идоралар ўртасида ҳар ой якуни бўйича ўзаро қарздорлик ҳолатини солиштириб бориш тизимини жорий этиш, солиштирмалар асосида қарздорлик аҳволини Вазирлар Маҳкамаси комплексларида ҳар ойда жиддий муҳокама қилиш, давлат идоралари ўртасида электрон ҳамкорлик ва маълумот алмашувини йўлга қўйиш борасидаги ишларни жаддаллаштириш юзасидан топшириқлар берди.

«Қишлоқ ва сув ҳўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони қабул қилинди.

Унда қишлоқ ҳўжалиги, озик-овқат ҳавфсизлиги ва сув истеъмолчи соҳаларида ҳақиқий ҳолатни ва ривожланиш истиқболларини чуқур таҳлил қилиш асосида уларни стратегик режалаштириш сиёсати бўйича таъсирчан ишларни йўлга қўйиш, мазкур йўналишлар бўйича бошқарув тизимини тубдан тақомиллаштириш мақсадида аниқ вазифалар белгилаб берилди.

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита фаолиятини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

Қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита фаолиятини янада тақомиллаштириш мақсадида қабул қилинди.

Жасур Ақромов Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитани бошқаради. Музаффар Қомиллов ҳамда Нурман Абдулҳасан мазкур қўмита раиси ўринбосари этиб тайинланди.

18 апрелдаги ҳукумат қарорига мувофиқ Нейматулла Иброҳимов Ўзбекистон халқаро ислом академиясига ректор этиб тайинланди.

Шу пайтга қадар «Ўзбеккино» миллий агентлигининг бошқарма бошлиғи ўринбосари лавозимда ишлаб келган Маъруфжон Мухторов «Республика кинопрокат маркази» давлат унитар корхонаси раҳбари этиб тайинланди.

М.Мухторов 2013 – 2018 йилларда агентлик тизимини турли лавозимларда фаолият кўрсатган.

Интернет нашрлари ҳамда ўз мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.

БУНДАН БУЁН ҲАР КИМ ЎЗ ИШИ УЧУН ЖАВОБ БЕРАДИ

Мамлакатимиз Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Сирдарё вилояти фаоллари билан учрашувда айтган очик ва аччиқ сўзлари барчамизни хушёр тортирди

Давлатимиз раҳбари Сирдарё вилояти фаоллари билан учрашув чоғида ўтган ойда Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида мажбурий меҳнатга жалб этилган мактаб ўқитувчисининг фожиали ўлими ҳақида гапириб, барча даражадаги мутасадди раҳбарларни ҳодимлар, айниқса, бюджет ташкилоти ҳодимлари бўлган ўқитувчи ва шифокорларни ҳамда талаба-ўқувчиларни мажбурий меҳнатга жалб этиш Президент ва у олиб бораётган сиёсатга хиёнат эканини, бундан буён мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай турига йўл қўйган раҳбарлар қонун олдида жавоб беришини таъкидлаб ўтди.

Кунини кеча Вазирлар Маҳкамасида ҳукумат раҳбари томонидан «Худудларда даъво ва тозалаш, ободонлаштириш ишларига тиббиёт ва таълим муассасалари ҳодимлари, талабалар ва иқтисодий соҳа вақилларини жалб этишни тақиқлаш ва ушбу ҳодисаларга йўл қўйган барча даражадаги ҳокимлар ва раҳбарларнинг шахсий масъулият ва жавобгарлигини оширишга қаратилган чораларни белгилаш» масаласига қаратилган видеоселектор бўлиб ўтди.


Йилги йилларда ҳам- занинг номини адабиётимиз зарварларидан бутунлай супуриб ташлашни кўзлаган бир гуруҳ киши- ларнинг орзулари ушалди. Ҳамза ижодига оид барча қарашларга қўлф-қалит солинди. Бу эса, аслида, илмсизлик, қадриятларга нисбатан беписандликдан бошқа нарса эмас.

чоралари кўрилиши ҳақида оғохлан- тирилиб, қатор топшириқлар берилди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда жа- миётимизда айрим «тадбиркор» раҳ- барлар томонидан теккин қуч сифа- тида бюджет ташкилотлари ҳодим- ларини тозалаш, ободонлаштириш ишларига жалб этиш урф тусига кириб қолган эди. Мамлакатимиз- да 1997 йил 30 августда Халқаро меҳнат ташкилотининг «Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисидаги» Конвенцияси ратификация қилин- ган. Миллий қонун ҳужжатлари ҳам мазкур Конвенцияга мос келди. Ўз- бекистон Республикаси Конститу- циясининг 37-моддасида суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатил- ган бошқа ҳоллардан ташқари маж- бурий меҳнат тақиқлангани белги- лаб қўйилган. Меҳнат қилишнинг ихтиёрийлиги «Аҳолини иш бил- лан таъминлаш тўғрисидаги» қо- нуннинг 5-моддасида ҳам ўз ифо- дасини топган. Меҳнат кодексининг 7-моддасида мамлакатимизда мажбурий меҳнатнинг барча тури

тақиқлангани белгилаб қўйилгани, кейинги йилларда пахта йиғим-те- рими мавсумида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўй- маслик бўйича халқаро экспертлар иштирокида Учинчи томон мони- торингига иштирок этувчи миллий экспертларнинг томонидан мажбу- рий меҳнатга йўл қўймаслик бўйича миллий мониторинг ўтказиб кели- наётган бўлса-да, бундай ҳолатлар охиригача бартараф этилмагани ҳеч кимга сир эмас. Буни қарагинки, мил- лий мониторинг гуруҳи экспертлари тумандаги қишлоқ врачлик пунктла- рига боришганда, 20-25 нафар ходим ишлайдиган ҚВПларда бор-йўғи 3-4 нафар ходим бўлар эди. Бошқа хо- димлар каердалиги сўралганда улар патронаж хизмати учун ҳудудга чиқиб кетгани айтилар эди. Ваҳо- ланки, ҚВПга соғлиғи бўйича муро- жаат қилиб келган фуқаролар билан суҳбатлашганда, пахта мавсуми бошлангандан буён тиббиёт ҳодим- лари ўз иш жойида эмаслиги юзаси- дан норозилик билдирилди эди.

2▶



ҲАМЗА — адабиётимиз дарғаси(ми?)

Кейинги йилларда ҳам- занинг номини адабиётимиз зарварларидан бутунлай супуриб ташлашни кўзлаган бир гуруҳ киши- ларнинг орзулари ушалди. Ҳамза ижодига оид барча қарашларга қўлф-қалит солинди. Бу эса, аслида, илмсизлик, қадриятларга нисбатан беписандликдан бошқа нарса эмас.

БУНДАН БУЁН ҲАР КИМ ЎЗ ИШИ УЧУН ЖАВОБ БЕРАДИ

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Сирдарё вилояти фаоллари билан учрашувда айтган очиқ ва аччиқ сўзлари барчамизни ҳушёр торттирди

41

Ўтган йили давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидан қайтганидан сўнг Олий Мажлис Сенати ҳузурда мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича алоҳида комиссия ташкил этилди. Президентимиз топириғига асосан, 2017 йил кузида ўқувчи ва талабалар пахта далаларидан қайтарилди. Аммо жойлардаги аксарият раҳбарлар бундан ҳулоса чиқариш ўрнига, то ҳануз ўқитувчилар билан шифокор ходимларни кўча тазалашдан торттириб, эски уй-жойларни бузишгача бўлган ишларга жалб этиб келаётди.

Республика кенгашининг «Ишонч телефони»га тиббиёт ходимларидан ўз хизмат вазифасига алоқаси бўлмаган бошқа ишларга туман, шаҳар ҳокимларининг оғзаки топириқлари билан жалб қилиш ҳолатлари юзасидан мурожаатлар сони кўпайиб бораётгани бежиз эмас, албатта. Ходим-

ларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қиладиган ташкилот сифатида ўз муносабатларимизни билдириб ташкилот раҳбарига, туман ҳокимликларига юқоридаги тadbирлар амалдаги қонунчиликка зид эканлигини, оқ халатли тиббиёт ходимларининг хизмат вазифаларига туман, шаҳар ҳудудини ободонлаштириш вазифаси киритилмаганлигини ва зудлик билан ушбу ҳолатга барҳам бериш талаблари кўйилса-да, шу пайтгача бармоқ билан санарли қоллардагина муройян натижаларга эришилмоқда эди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда барча соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари, қасаба уюшмаси фаоллари иштирокида кенгайтирилган видеоселектор ўтказиб, бундан буён тармоқда ходимларнинг мажбурий меҳнатига йўл қўймаслик масаласи муҳокама этилди

ва келгусидаги иш режаси тасдиқланди.

Шунингдек, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси, хусусан, Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси томонидан кунга кеча кўчга қирган «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун талаблари асосида мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай кўринишига йўл қўймаслик юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш белгилаб олинди.

Мана, ниҳоят, Президентимизнинг ташаббуси ва махсус топириғи билан бундай номақбул тажрибага чек қўйилган бўлди. Бундан, албатта, одамларнинг соғлиқини ўйлайдиган, уларнинг бахтли ва соғлом ҳаёт кечириши учун туну кун хизмат қилишга тайёр бўлган, халқ фаровонлиги йўлида белни маҳкам боғлаб, эл-юрт равнақи йўлида сидқидилдан хизмат қилишни ўзининг бурчи деб билган шифокорлар, ҳамширалар бағоят мамнун бўлдилар.

Фикрим якунида айтмоқчи-



манки, қорхона ва ташкилотлар, ўқув муассасалари раҳбарлари томонидан мажбурий меҳнатга жалб этиш ҳолатлари юз берса, бу ҳақда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг 1092, Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Фарҳод ХАНАПИЯЕВ, Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши раиси

Дарс ўтсаккина, болалар билимли бўлади

Эрталаб дарс машғулотларини ўтиш учун синфга киришим билан, котиба йўқлаб келди. — Шошилич, директор чақиряпти... Ўқувчиларга тинч ўқитишни тайинладим, қабулхонага ошиқдим. Қарасам, кўшни синфларда дарс бошлаган ҳамкасбларим ҳам шу ерда экан.

— Топширик бўлди, — деди директор. — Ўн та ўқитувчи аэропорт йўлини, ўн та ўқитувчи стадионга боралган қатта кўча бўйидаги ариқни тазалайди. Фақат тезроқ, ҳокимликдан вакиллар кутиб туришибди. — Дарс нима бўлади? — Илтмос, мени хижолатга қўйманлар. Биринчи марта эмас-ку! — дея ҳўрсинди директор. — Нима, мен шуни ўз хоҳишим билан қилганимми?

Мухокама қилиб туришга вақт йўқ. Синф бурчагига яшириб қўйган эски халатим ва супургини қўлга олиб, хашарга шошилман.

Очигини айтишим керак, илгарилари бундай ҳолатлар деярли ҳар кун такрорланарди. Яқин бани тўлигича кўча супуришга таъин қилинган эдим. Ўзимизнинг асосий фаолиятимиз билан шугулланамиз — болаларга таълим ва тарбия берамиз.

Очиги, кўзимга ёш олдим. Бу эътибор ўқитувчиғана эмас, бутун миллатга, унинг келажига бўлган эътибор, аслида. Президентимизнинг ушбу масала юзасидан билдирган фикрлари мамлакатимиз раънақида тўғанок бўлаётган айрим ижтимоий-иқтисодий, маънавий муаммоларга барҳам беради.

Малоҳат ТИЛЛАЕВА, Урганчдаги 18-сонли мактаб ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов раислигида ўтказилган ўқитувчи, шифокор ва талабаларнинг ободонлаштириш ва йиғим-терим ишларига мажбурий жалб қилинишига қарши қаратилган видеоселектор йиғилишини бир неча ОАВда кузатиб бордим. Аини мўддао бўлди. Чунки шу кунгача «оммавий хашарлар»да доимо фаол қатнашиб келаётгандик-да!

Тендишларим қатори талабаларнинг вақтинчалик бу машнашлардан яхши хабардорман. Йиғим-теримда иштирок этмаган талабалар рўйхати алоҳида тузилиб, дарс берувчи додаларга берилди. Бу ана шу йиғим-терим талабига яхши баҳо қўймаслик, унинг алоҳида кўшимча топириқлар билан илтиҳон топириқини аниқлаштарди. Балки юмшир бу талабнинг яхшироқ тайёрланишига сабаб бўлади-ку дер, лекин жазо сифатида тайёрланган топириқлардан ўтиш осон эканими? Ишга қирган йиғим ҳам бошланган ўқув йилига тайёрлик кўриш ўрнига кун давомида темирйўл атрофларини тазалаш билан ўтказганим келтириш керакми?

Энг кенги, мажбурий меҳнат мамлакатимиз қонунлари билан таъинлангани билан ҳам эътироз билдира олмас эдик. Шукурки, Президентимизнинг ташаббуси билан эгилган қадимий, йўқолган қадимий тикланди. Ўтган йил олий ўқув юрти талабаларининг йиғим-терим ишларидан озод этилгани эътиборининг бошланғичи дарак берган эди. Ниҳоят, навбат бизга ҳам етиб келди. Биз ҳам эндиликда ўз ишларимиз, фарзандларимиз тарбияси билан шугулланганимиз билан бунинг учун адолатли сўбат олиб бораётган давлатимиз раҳбаридан миннатдоримиз.

Нилуфар ШЕРБЎТАЕВА, Гулистон шаҳридаги 14-сонли мактаб ўқитувчиси

Мажбурий меҳнатдан чарчаган эдик

Кунга кеча Вазирлар Маҳкамасида Бош вазир А.Арипов раислигида жамоат ишларига мажбурий жалб қилишни тақиқлаш, бу борада раҳбарларнинг масъулиятини оширишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимизнинг барча вилоятларида йўл қўйилаётган мажбурий меҳнат кўринишлари қаттиқ танқид қилинди. Айниқса, бу борада таълим ва тиббиёт ходимларининг мажбурий меҳнатга жалб этиш одатий ҳолига айланган бўлиб, бу Халқаро қонун ҳужжатларининг бузилиши экани таъкидлаб ўтилди. Очиги, қачонлардан бери юртимизда тугун бўлиб ётган аччиқ ҳақиқатнинг эътирофи этилганидан дилимиз равшан тортиди. Ҳаттоки, мурғаккина ўқувчи фарзандларимиз ҳам бундай меҳнатга жалб этиларди-да, ахир! Аммо дардимиз ичимизда эди. Чунки топириқ тепадан берилгач, биз нима қила олардик.

Мухтарам Президентимизнинг Сирдарё вилояти фаоллари билан бўлиб ўтган учрашувда айтган аччиқ таъналарини эшитиб, бундай мажбурий меҳнатларни рад этишга шу пайтгача жим келганимиз ҳато эканини тушуниб етдик. Чиндан-да, баъзан бу каби мажбурий меҳнат, яъни ободонлаштириш, хашар, пахта йиғим-теримига жалб қилинган ҳолларда ўз фикрида қатъий туриб, ҳатто рад этишгача борган айрим ўқитувчиларимиз интизомий жазоларга тортилганидан қандай кўз юмишимиз мумкин? Баъзи ҳолларда ишдан четлатиш ёки вазифаларидан паст лавозимларга туширишгача бўлган чоралар қўриларди.

Бугун Президентимиз бу каби ҳолатларга йўл қўймаслик ҳақида оғохлантириб, мажбурий меҳнатга қарши курашиш комиссияларини тузиш ташаббускори бўлди. Биз ҳам барча бошланғич ташкилотларимизда бу борада мунтазам фаолият юритувчи комиссияларимизни тузиб, белгиланган дастур асосида ишни ташкил этдик. Бундан буён мажбурий меҳнатдан озодимиз. Эндиликда барча эътибор таълим-тарбияни яхшилашга қаратилади.

Норқўна АБДУЛЛАЕВ, Таълим, фан ва маданият ходимлари қасаба уюшмаси Қумқўрғон туман кўмитаси раиси



Камчиликдан кўз юмсақ...

Катта мақсад, ёрқин келажак сари одимлаб бораётган юртимизда воқеликларга ҳолисона баҳо бериш тобора одат тусига кириб бормоқда. Баъзан ўйлаб қолсан киши: асл ҳолатларини бўлаш, бежаш қўсури бизда қаяқдан пайдо бўлди, ўзи? Бир замонлар олис шимолдан келган «катта»ларга яхши кўриниш учун шундай қилинардик. Замон ўзгарса ҳам шўуримизга ёпишиб қолган бу иллатдан, негадир, шу пайтгача қутула олмадик.

маса-да, биз учун керак. Аммо бу хайрли ишлар қайсидир соҳанинг гарданига илиб қўйиш ҳисобига бўлмаслиги даркор. Қайсидир раҳбар танбех эшитмаслиги учун ўқувчи ва бемор азият чекиши инсофсизликдан бошқа нарса эмас.

Фуқаролик жамияти сари далил илгарилар бораётган юртимизда нафақат иқтисодий, балки ижтимоий, бошқарув соҳаларида ҳам қатор янгилликлар жорий этилмоқда. Меҳнат соҳасида, меҳнат муносабатларини йўлга қўйишда қатор янгилликлар бор. Қонунларимиз тубдан тақомиллаштирилиб борилмоқда. Бу эса халқимиз ҳуқуқий саводхонлигининг ошишига хизмат қилаётти.

Таъкидлаш ўрниги, мамлакатимизда ХМТнинг қатор конвенциялари ратификация қилинган. Мажбурий ва болалар меҳнатининг ҳар қандай кўринишига қарши кураш бошланди. Эндиликда, шўнча қилинган меҳнат ўз аравасини тортолмаган, соҳалар фаолиятини яхши билмаган қайсидир раҳбар туфайли йўққа чиқиб кетмасми?..

Хуқумат раҳбарининг таълим ва тиббиёт ходимларини мажбурий тарздаги меҳнатга жалб қилган мутасаддилар фаолиятига берган баҳоси билан ижтимоий тармоқлар орқали танишдик. Бу бутун халқимизга маъқул бўлди. Одамлар кўнглидаги, тилининг учидидаги гаплар айтилди. Ўйлайманки, бундан кейин ана шу тахлитдаги ёндашувларга чек қўйилди.

Нигина ДАВРОНОВА, Самарқанд шаҳар марказий шифонаси бошланғич қасаба уюшма кўмитаси раиси

Шахсий фикр

Кейинги йилларда Ҳамзанинг номини адабиётимиз зарварақларидан бутунлай сўпуриб ташлашни кўзлаган бир гуруҳ кишиларнинг орзулари ушалди. Ҳамза ижодига оид барча қарашларга қулф-калит солинди. Бу эса, аслида, илмсизлик, қадриятларга нисбатан беписандликдан бошқа нарса эмас.

Баъзи маълумотларга караганда, у юздан ортик драматик асарлар ёзган. 1916 йилдан бошлаб унинг асарларини мумкин қадар магбуот саҳифаларида эълон қилинишига тўсиқлар қўйилгани ҳам рост. Айнан шу сабабли унинг қатор драматик асарлари кўлэзма ҳолида қолиб, аксарияти йўқолиб кетган. Ваҳоланки, эл ичра овоза бўлган «Бой ила хизматчи», «Майсаранинг иши», «Бурунги сайловлар» каби драмаларининг ўзиёқ унга «Ўзбек драматургиясининг асосчиси» деган эпитрофни тақдим этишга ҳуқуқ беради.

Шу вақтга келар бу мақом Бехбудийга нисбат бериб келинди. Бехбудий олим, журналист, ўз даврининг маърифат жарчиси, маданият, маориф, маърифат мафкураси шаклланишига жуда катта ҳисса қўшган сиёсатчи ҳамдир. Аммо, шунга қарамай, баъдий жиҳатдан анчайин заиф яратилган биргина кичик пьесасини инобага олиб, унга «Ўзбек драматургиясининг асосчиси» деган номни бериш адолатдан эмас. Биринчи бўлиб драма ёзган одам «Ўзбек драматургиясини асосчиси» бўлиши керак, деган гоъни илгари суришнинг ўзи бориб турган ноҳуқ.

Эсимда: талабалик йилларимда бир олим Ҳамза бўйича докторлик диссертацияси мавзусини тасдиқлаётган пайтда «Ҳамза асарларидан энди докторлик чиқмайди, ҳамма гапни Юсуф Султон 1946 йили ёқлаган номзодлик диссертациясида айтиб қўйган», қабилидаги эътирозлар билдирилган эди. Шунча қаршиликларга қарамай, кейинчалик Ҳамза жодои бўйича бир нечта номзодлик ва докторлик илмий даражасини олган олимлар гуруҳи юзага келди. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, Ҳамза ижодига қарши қаратилган совуқ нафрат шоирнинг ёлғиз ўзинигина эмас, балки ҳамзахоҳлик билан кенг қамровда шугулланган Комил Яшин, Воҳид Зоҳидов, Лазиз Қажомов, Ҳафиз Абдусаматов, Бердиали Имомов ва бошқа бир нечта олимлар томон отилган тош ҳам эди.

Бир воқеани ҳамон эслайман. 70-йилнинг бошларида Иззат Султон бошчилигида «Адабиёт назарияси ва адабий танқид тарихи» бўлимида Ҳамза ижодига оид номзодлик диссертацияси муҳокама этилаётганда, тушпа-тузук бир олим ўша диссертацияни инкор қилиб, «Бир маҳаллар Оврупада Ҳамза типидоғи юз

Ҳикмат

...муаммоларнинг муаммоси — одам. Одамни чинакамга акс эттирар экансиз, унинг қилмиш-қидирмишларидан муаммолар келиб чиқаверади. Ўша муаммоларни ҳал этиш эса... сенинг ишинг эмас: уни ҳаёт ҳал этади ва пироварди, ўша «ҳал этилиш» жараёни яна адабиётда акс этиши мумкин.

Шукр ХОЛМИРЗАЕВ



лаб шоирлар ўтган эди. Ҳозир уларни ҳеч ким эсламайди. Ҳамза ҳам шу ёзувчиларнинг бири. Келажакда уни ҳам ҳеч ким ўқимайди», деди. Бирок унинг бу танқидий чиқишларига қарамай, диссертация химоюга тавсия этилди. Ҳамзага қарши ашаддий қушанда айланган бояғи олим, қарангки, кейинчалик «Ҳамза номидаги давлат мукофоти»ни олиш истигада унга бағишлаб бир китоб ёзди...

Дарҳақиқат, Ҳамзага ва ҳамзашуносларга зимдан манфий фикрда бўлган гуруҳбоз зиёлилар оз эмас эди. Ҳақиқатнинг ҳақиқат деб аталишининг сабаби фақат шуки, у хатога, ёлгончиликка, мунофиқликка зиддир. Агар хато бор экан, бу хато фикрга қўшилувчи кишилар, ал-

лик қилиш шафқатсизлик эмасми, ахир?! 1910 йиллардан бошлаб Тошкентга келган ёш Ҳамза бу ердаги маҳаллий бойларга ялиниб-ёлвориб, улардан моддий кўмак олиб, болалар учун илк мактаблар очган. Биз зиёлилар ўша даврдаги яхши кишиларни тарбиялаб етиштирган, ўқит-

уратиш мумкин.

Бу улкан маданий мерос бир канча тадқиқотчи ва ноширларнинг ҳақли равишида эътиборини тортган, албатта. Ҳамзанинг 1939 йилдаёқ дунё юзини кўрган дастлабки «Сайланма асарлари» 1949, 1954, 1958 йилларда нашр этилган китобларда тўлдириб борилган. 1960, 1969, 1979 йилларда эса унинг икки жиллик «Асарлари» қайта-қайта ҳосилиб чиққан. Бирок бу нашрлар ҳам унинг меросини тўлиғича қамраб ололмади. Шулар назарда тутилиб, Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти олимлари 1979—1981 йиллар давомида Ҳамзанинг 5 жиллик «Мукамал асарлар тўплами»ни нашрга тайёрлади.

Ҳамзанинг бундай катта меросига беписанд қараган кўпгина зиёлилар Ҳамза деганда афтидан унинг «Ҳой, хой отамиз» деб бошланадиган шеърларининггина кўз олдларига келтирса керак. Ахир, беш катта китобга жо бўлган ижод саҳифалари ҳазилакам нарсалар эмас. Жумладан, биринчи жилда шоирнинг «Девони Нихоний» китоби қиритилган бўлса, иккинчи,

ган деб келинади. Шахсан мен шоир ўлдирилган кунлари эълон қилинган газеталарда таъзияномани ўқиб, хайратга тушганман. Унга кўра, Ҳамзани қандайдир руҳонийлар тошбўрон қилиб эмас, ухлаб ётган хонасига кириб, махсус тайёрланган ёвуз душманлар томонидан чопиб ташлангани айтилган эди. Шоир жасади қийма-қийма қилинган, тана аъзолари қопга териб солиниб, Шохимардон тоғидаги қор ва музламалар устига сочиб юборилган.

Унинг ваҳиёна қатл этилгани ҳақидаги хабар эса икки ҳафтагача сир сақланиб, кейин Марказқўмга билдирилган.

Мен бу таъзияномани тўлиқ кўчириб,

лик тожию» деган фикрга таяниб майда маҳаллийчилик ботқоғига ботиб ўтиришимиз керак эмас. У ким, қайси миллатга мансуб бўлмасин, Ўзбек адабиёти, Ўзбек миллатига хизмат қилган, деярли барча асарларини Ўзбек тилида ёзган. Бундай икки тилли ёзувчи ва шоирларимиз кўпчилигига шукроналар билдириш ўрнига...

Шу кунгача Ҳамзага қилинган барча ҳужумларнинг муваффақиятсиз чиққанининг сабаби ҳам аён. Биринчидан, ҳамма муҳим масалаларда ҳақиқатнинг томонида келганда, ўзининг жуда ҳам ўнғайсиз хис қилганини кийи. Худди Сирдарёда сув ҳаракатсиз қўринаётгани учун дарёдан гина қилинганидек.

Икки қарра икки — тўрт бўлгани сингари, биз ҳам шу нарсани аниқ ва тиниқ билишимиз керакки, мана шу порлоқ кунларимизга меҳнати сингган, тундаги ёғулдузлардек порлаб йўлимизни ёритиб келганлар — худди Ҳамзага ўхшаш улуг кишилардир. Шу жиҳатдан уларга ҳурмат ва эҳтиром билан қарашимиз шарт.

Ҳар бир киши хатога йўл қўйиши мумкин. Ҳар бир санъаткорнинг ўз заиф томонлари бўлади. Ҳамзага билдирилган юзларча эътирозлар, унга тўпсалган айбдор орасида, унинг камчиликларини, хатоларини тўғри кўрсатадиган баъзи бир ҳам гаплар бор, деб ўйлаш ҳам ҳеч нарсани ўзгартирмайди. Зеро, уни баҳолашда Ўзбек адабиёти ва санъатига етказган нафидан келиб чиқиб, ҳулосалар чиқариш зарур. Шу маънода унинг адабиётимизга етказган фойдаси гуноҳларидан (агар улар бўлса) ўн чандон, юз чандон орттироқдир.

Маҳмуд НАЗАРОВ, филология фанлари номзоди

ҲАМЗА — адабиётимиз дарғаси(ми?)

батта, ҳақиқатга тиш-тироқлари билан қарши чиқади. Агар ёлгончилик бўлса, шу ёлгонга қўшилувчилар ёлгончиликни ер билан яқсон қилаётган кишига қарши болта кўтаришдан ҳам тоймайди. Фақат арифметика дарсликларигагина ҳеч ким қарши бормайди, чунки уларнинг бутун мазмуни кўриниб турадиган ҳақиқатлар билангина чекланган.

Таасуфки, тарихда ўтган арбобларга баҳо берганда, у ўзининг даврига нисбатан нималар берганига қараб баҳолаш кераклиги кўпинча унутиб қўйилади, ҳар ким ўзи яшаб турган ҳаёт нуктан-назаридан келиб чиқиб масалага тўн бичаверади.

Агар биз ўша долғали ва ўта қалтир сиёсатчи эътибордан соқит қилмаганимизда, Ҳамзага ва ҳамзахоҳларга инсоф билан баҳо берганимизда, уни бу даражада махв этиб ташламас эдик. Ўзбек адабиётининг тетапо даврларини кўриб, унинг маърифати ва мафкурасини кўтарган шоирга нисбатан бундай адолатсиз-

ган, китобхон қилган бу мураббийга миннатдорлик юзасидан нима қилдик? Бир тоғора магзава ағдардик. Ҳамза ўша 1915-1917 йиллардаёқ «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси» деган умумий ном остида «Оқ гул», «Кизил гул», «Пушти гул» тўпламларини яратди. 1915 йилда «Янги саодат» насрий асари, 1916 йили эса «Захарли ҳаёт» пьесаси нашр қилинди.

Шу ўринда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ҳамид Сулаймонов номидаги кўлэзмалар институтида сакланаётган ҳужжатлар асосида Ҳамза архиви бунёд қилинганини алоҳида таъкидлашни истардим. Маданият вазирлиги ҳузуридаги Ҳамза Ҳақимзода Нисзий номидаги Санъатшунослик институти фондида ҳам унинг асарлари ҳақидаги муҳим ҳужжатлар тўпланган. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида эса Ҳамза пьесалари, «Девони», «Енгил адабиёт», «Ўқиш китоби» асарларининг турли дастхатлари сақланади. Ҳамза асарларининг айрим дастхатларини Ғофур Фулом номидаги Қўқон адабиёт музейи фонди ва бошқа архивларда ҳам

учинчи ва тўртинчи жилда унинг қатор драма ва мақолалари, бешинчи жилда эса хатлари, ҳужжатлар чоп этилган. Бу улкан ишни нашр этишда тил ва адабиёт олимлари кўп заҳматлар чекди. Хайрли ишни тезлаштириш мақсадида дастлаб матншунослик бўлими ташкил қилиниб,

профессор Содир Эркиновнинг қўлига бердим. Бу янгиликдан у киши ҳам хангу-манг бўлди. Шундан ҳам кўринадики, ўша оғир, таҳликали «Хужум» («Паранжи ташлаш») деб аталган дамларда Ҳамза ўлимнинг хиди аниқ турганига қарамай, ўз эътиқодидан қайтмаган. Бу ерда фикс-фужур гапларга сира ўрин йўқ. Энди бир ўйлаб, ўз-ўзимизга савол берайлик-а: шундай улуг шоир, бошловчи ношир, ўткир публицист, моҳир педагог, миллий композитор, оташин нотик, режиссёр, улкан театр арбоби, муҳажир, саъти ва юмор устаси бўлган кишига бизнинг муносабатимиз қандай бўлди?

Бугун мамлакатимиз бўйлаб янги, тоза экин-зорлик ошқоралиқни илгари суриб, ҳар бир нарсани ўз ўрнида бўлиши талаб этилаётган. Бирок мана шундай паллада ҳам ўз локалдинини тарқатмаган одамлар мавжуд. Адабиётшунос Улғубек Ҳамдамнинг «Даракчи» газетаси 5 март сонидида чоп этилган «Ҳамза янги ўзбек адабиёти асосчиларидан бирими?» сарлавҳали мақоласи тасодифан қўлимга тушгач, ўша куннинг ўзидаёқ Ҳамзага билдирилиб келинаётган ноқисликларга қарши юрак сўзимни қозғога туширдим. Биз энди «Ҳамза ўзбек эмас, у қоратгин-

ДАРҲАҚИҚАТ, ҲАМЗАГА ВА ҲАМЗАШУНОСЛАРГА ЗИМДАН МАНФИЙ ФИКРДА БЎЛГАН ГУРУҲБОЗ ЗИЁЛИЛАР ОЗ ЭМАС ЭДИ. ҲАҚИҚАТНИНГ ҲАҚИҚАТ ДЕБ АТАЛИШНИНГ САБАБИ ФАҚАТ ШУКИ, У ХАТОГА, ЁЛГОНЧИЛИККА, МУНОФИҚЛИККА ЗИДДИР. АГАР ХАТО БОР ЭКАН, БУ ХАТО ФИКРГА ҚЎШИЛУВЧИ КИШИЛАР, АЛБАТТА, ҲАҚИҚАТГА ТИШ-ТИРОҚЛАРИ БИЛАН ҚАРШИ ЧИҚАДИ. АГАР ЁЛГОНЧИЛИК БЎЛСА, ШУ ЁЛГОНГА ҚЎШИЛУВЧИЛАР ЁЛГОНЧИЛИКНИ ЕР БИЛАН ЯҚСОН ҚИЛАЁТГАН КИШИГА ҚАРШИ БОЛТА КЎТАРИШДАН ҲАМ ТОЙМАЙДИЛАР. ФАҚАТ АРИФМЕТИКА ДАРСЛИКЛАРИГА ГИНА ҲЕЧ КИМ ҚАРШИ БОРМАЙДИ, ЧУНКИ УЛАРНИНГ БУТУН МАЗМУНИ КЎРИНИБ ТУРАДИГАН ҲАҚИҚАТЛАР БИЛАНГИНА ЧЕКЛАНГАН.

унга Содир Эркинов, Қувомиддин Муниров ва Шарофиддин Эшонхўжаев каби олимлар бош бўлдилар. Шахсан менинг ўзимни ҳам институт директори Матқуб Кўшонов ҳақида, уч ой муддатта матншунослик бўлимига ёрдамга юборгани кечагидек ёдимда. Ҳамзанинг араб ёзувида чоп этилган шеърлари, мақолалари, драмалари, хатлари қайта кўчирилди. Қайси манбада хатолар бўлса, тўғрилаб чиқилди.

Яна бир гап. Шу пайтгача Ҳамза 1929 йилда тошбўрон қилиб ўлдирил-

лар кезиб юрибди. Эндиликда ошқоралиқни илгари суриб, ҳар бир нарсани ўз ўрнида бўлиши талаб этилаётган. Бирок мана шундай паллада ҳам ўз локалдинини тарқатмаган одамлар мавжуд. Адабиётшунос Улғубек Ҳамдамнинг «Даракчи» газетаси 5 март сонидида чоп этилган «Ҳамза янги ўзбек адабиёти асосчиларидан бирими?» сарлавҳали мақоласи тасодифан қўлимга тушгач, ўша куннинг ўзидаёқ Ҳамзага билдирилиб келинаётган ноқисликларга қарши юрак сўзимни қозғога туширдим. Биз энди «Ҳамза ўзбек эмас, у қоратгин-

Энг фаол китобхон

«Ботаника» санаторийсида китобхонлик маданияти ва китоб мутолаасини ошириш мақсадида китобсевар дам олувчилар ўртасида «Энг фаол китобхон» кўрик-танлови ўтказилди.

Маърифат куёши

Унда 8 нафар иштирокчи 4 та шарт бўйича беллашди. Улар адабиётга оид савол-жавоблар, ўзбек халқ мақоллари, китоб тақдироти, шеърли айтишув каби мавзуларда ўз маҳоратларини намойиш этишди. Якунда барча катнашчиларга эсдалик совгалари топширилди.

Шу кун «Ўзбекистон» полиграфия-нашриёт ижод уйи билан ҳамкорликда «Яхши китоб — маърифат куёши» деб номланган китоб ярмаркаси ҳам ташкил этилди. Ундан юртимиз тарихига оид адабиётлар, таникли ёзувчи ва шоирларнинг асарлари, болаларга мўлжалланган адабиётлар, дугат ва бошқа турли мавзулардаги кичик-кичик китоблар ўқилди.

Севара ЭШОНҚУЛОВА, «Ботаника» санаторийси ходими

Олдини олган афзал



Маълумки, ёнгинларнинг олдини олишда тарғибот ишлари муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли мамлакатимизнинг барча жойларида кенг қўлмали тарғибот тadbирлари амалга оширилмоқда.

Хусусан, Фарғона вилояти ёнгин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари вилоят миқёсида ёнгинларнинг олдини олиш ҳамда ёнгин хавф-

сизлигини таъминлаш бўйича кенг қўлмали тарғибот-тушунтириш ишларини олиб боришмоқда.

«Фарғоназот» АЖга қарашли соғломлаштириш диагностика марказида ўтказилган машғулотлар давомида ҳам ёнгинларнинг келиб чиқиш сабаблари, салбий оқибатлари, қатталар ва болаларга ёнгин вақтида тўғри харақатланиш борасида зарур тавсиялар берилди.

Фарҳод ХЎЖАЕВ, ИИБ ЕХИ ўқитувчиси

«Чоршанба — ёнгинлар профилактикаси кун» тadbiri давомида Жиззах вилояти ИИБ Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси, Фавқулодда вазиятлар бошқармаси, газ ва электр таъминоти корхоналари билан ҳамкорликда Жиззах шаҳридаги «Регистон», «Мўътабар она» ва бошқа савдо марказларининг ёнгинга қарши ҳолати ўрганилди.

Унда савдо марказларида мавжуд ёнгин ўчириш сув манбалари, ёнгинга қарши ораликлар, ўтиш жойлари, чиқиб йўллари, ёнгинга қарши сигналзация воситалари, бирламчи ёнгин ўчириш воситалари ҳамда савдо комплексида фаолият юритаётган тadbиркорларнинг фавқулодда вазиятларда тўғри харақатланиш бўйича амалий кўникмаси синовдан ўтказилди.

Бу каби тadbirlar мобайнида 7 та савдо марказида профилактик кўрик, 5274 та хонадонда фуқаролар билан суҳбатлар уюштирилди. Тadbir давомида 136 та ёнгин хавфсизлиги қондалари бузилиши ҳолати аниқланиб, улар ўз вақтида бартараф этилди.

Ақром САМИЕВ, Мирзачўл тумани ЕХБ бошлиғи

Саломат бўлинг!

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, юрак-қон томирлари хасталиги бўйича йилига 17,5 миллион нафар киши ҳаётдан кўз юмади. Шу сабабли мутахассислар томонидан бу касалликнинг олдини олиш борасида қўллаб-қўлланган илмий изланишлар амалга оширилмоқда.

Қаҳва соғлиқ учун фойдалими?!

Бразилиялик олимларнинг борадаги профилактик таъсияси кўпчиликка катта қизиқтириш уйғотди. Чунки кўпчилик соғлиқ учун зарарли деб хисобланган қаҳва ичимлиги, аслида, шифобахш хусусиятларга эга экан. Мутахассисларнинг эътирофи эътиборга, кунинга икки-уч маҳал қаҳва ичиш юрак-қон томирларининг фаолияти яхшиланади. Ушбу ичимлик антиоксидант хусусиятига эга бўлиб, юрак-қон томирларининг фаолиятига ижобий таъсир қилади. Аммо бу фақат чекмайдиган одамларга тааллуқли.

Сан-Паул университетидида си-

новдан ўтган 35 дан 74 ёшгача бўлган 4 400 нафар кишининг аксарияти орттиқча вазидан қийналган. Бунга жисмоний фаолликнинг камлиги сабаб бўлган. Тажриба иштирокчиларига қаҳва ичирилганда юрак-қон томирларининг фаолияти яхшиланади. Ушбу ичимлик антиоксидант хусусиятига эга бўлиб, юрак-қон томирларининг фаолиятига ижобий таъсир қилади. Аммо бу фақат чекмайдиган одамларга тааллуқли.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА, «Ishonch» муҳбири

Таълим, фан ва маданият ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши, Самарқанд вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририяти жамоалари Самарқанд вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг соҳиб раиси, меҳнат фахрийси, бирлашма кенгаши раёсати, «Нуроний» жамағатисини вилоят бўлимининг раиси Хасан Нормуродовга ўғли Фарҳод НОРМУРОДОВнинг бевақт вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

